

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.2019.Tib.77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХУДАЙБЕРДИЕВА ДИЕРА АБДУСАТТАРОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ПРОСТАТА БЕЗИ  
САРАТОННИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Худайбердиева Диера Абдусаттаровна**

Замонавий текшириш усулларининг простата

бези саратонини эрта ташхислашдаги имкониятлари..... 3

**Худайбердиева Диера Абдусаттаровна**

Возможности современных методов исследований

в ранней диагностике рака предстательной железы..... 29

**Khudaiberdiyeva Diyora Abdusattarovna**

Possibilities of modern research methods in the

early diagnosis of prostate cancer..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.2019.Tib.77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХУДАЙБЕРДИЕВА ДИЕРА АБДУСАТТАРОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ПРОСТАТА БЕЗИ  
САРАТОННИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1926 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бойко Елена Владимировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Джураев Миржалол Дехконович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Максудов Музаффар Фатхуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 9 » ноябр \_\_\_\_\_ куни соат 14.00 \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27, факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида (\_\_\_\_\_ рақам остида рўйхатга олинган), (Манзил: 100174, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27, факс: (+99871) 246-15-96).

Диссертация автореферати 2023 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2023 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафадоктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда простата беги саратони (ПБС) сайёрамиз эркаклари орасида энг кенг тарқалган хавфли ўсмаси сифатида тан олинган. ЖССТ маълумотларига кўра, йилига ярим миллиондан ортиқ ПБС қайт қилинса, уларнинг аксарияти кеч босқичда аниқланади, бу эса дунё бўйлаб эркаклар умр кўриш давомийлигини сезиларли даражада қисқартиради. Янги минг йилликда иқтисодий ривожланган мамлакатларда ПБС тарқалиши ва касалланиш даражаси ортининг аниқ тенденцияси кузатилмоқда ва у хавфли ўсмалар орасида ўпка карциномасидан кейин 2-ўринни эгаллайди. Простата беги саратони билан касалланишнинг таҳлилларидан кўриниб турибдики «...энг кўп учраши даражаси АҚШ ва энг кам учраши Японияда (йилига 100000 инсонга 10 тагача), Ўзбекистонда ПБС билан касалланиш 100 000 кишига 3,4 ҳолат ва ПБС тарқалаши бўйича 4 – чи ўринни эгаллайди...»<sup>1</sup>. Простата беги саратонини эрта ташхислаш простата беги эпителиясининг гистоморфологик патологиясини баҳолаш, простата интраэпителиал неоплазиясининг (ПИН) табиатини самарали ташхислашга қаратилган скрининг текширувларини назарда тутиши ва касалликни эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларнинг татбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш бугунги кунда замонавий онкологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда замонавий текшириш усулларнинг простата беги саратонини ташхислашдаги имкониятларини баҳолаш самарадорлигини оширишни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада простата беги саратонини дастлабки босқичларида эрта ташхислашда простат-специфик антигени кўрсаткичларини ташхисий аҳамияти, простата беги саратонини эрта ташхислашда компрессион эластографияси билан трансректал ультратовуш текширувининг ташхисий информативлиги, простата беги шубҳали жойларда олинган биопсия материаллар гистологик натижалари асосида доплерография ва эластография билан кучайтирилган трансректал ультратовуш текширувини ташхисий самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда простата беги саратонининг дастлабки босқичларини ташхислашда ташхисот усулларининг энг оптимал алгоритмини таклиф қилишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни, эрта ташхислаш ва самарали даволаш йўналтирилган чоратадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига

---

<sup>1</sup>Говоров А.В. Корреляция изображений рака предстательной железы, полученных путем гистосканирования предстательной железы, с данными патоморфологического исследования после радикального простатэктомии //Московская медицина.-2016.-специальный выпуск №1.-С.98-99.

мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, замонавий текшириш усулларнинг простата беши саратонини ташхислашдаги имкониятларини баҳолаш самарадорлигини оширишни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Простатспецифик антиген (ПСА) –маҳсус лаборатор кўрсаткич бўлиб, амалиётга илк киритилиши ПБСни ташхислашда катта ютуқ яратди (А.В.Говоров, 2011). У ПБС ва простата беши хавфсиз гиперплазиясининг (ПБХГ) бирламчи қиёсий ташхисотини ўтказишга имкон беради (А.О.Васильев, 2018). Одатда, ПСАнинг баъзи концентрацияси кўпчилик эркакларда учрайди, бироқ, унинг концентрациясининг ортиши простата бешини кейинги текшириш зарурлигини кўрсатади. ПСАнинг кичик миқдордаги ортишини изоҳлаш қийинчилик туғдиради, бу ҳолат простата бешидаги хавфсиз ўзгаришларда ҳам учраши мумкин. ПСА кўрсаткичи қийматлари 10,0 нг/млгача ортиши – «кулранг соҳа» - бу кўрсаткич ҳали ташхисни тасдиқламайди, бироқ, шу билан бирга, у патологиянинг келиб чиқиши ёки унинг пайдо бўлиш хавфи юқорилиги ҳақида маълумот беради (А.А.Демин, 2018). Янги минг йиллик простата беши патологияларини ташхислаш мақсадида ультратовуш ва унинг турли қўшимчаларининг кенг қўлланилиши билан ажралиб турди (М.З.Хасанов, 2021). Амалий тиббиётда простата беши касалликларини ташхислаш учун замонавий ультратовуш аппаратларини қўлланиши,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

доплерографик тадқиқотларнинг кучайишда янги ҳосил бўлган кичик томирларни аниқлаш, шунингдек, соноэластографияда тўқималар каттиқлигининг турли-туманга ажратиш имкониятини беради, бу шубҳасиз эхографиянинг ташхисий қийматини оширади (Hernando Polo S., 2021). Магнит-резонанс томография услубининг доимий техник такомиллашуви ПБСнинг чегараланган шакллари ташхислашда ҳам муҳим аҳамият касб этади (А.О.Васильев, 2018, Mukherjee A., 2021, Phua T.J., 2021).

Мамлакатимизда турли орган ва тизимларнинг сурункали ўзгаришлари натижасида юзага келадиган онкологик касалликларни самарали ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширмоқда (М.Н. Тилляшайхов, 2022; Н.М.Рахимов, 2022) бироқ, замонавий текшириш усулларнинг простата беzi саратонини ташхислашдаги имкониятларини баҳолаш тартиби такомиллаштирилмаган.

Ушбу усулларнинг ҳар бири ўзининг афзаллиги ва камчиликларига эга. Шу билан бирга простата беzi саратонини эрта ташхислашда уларнинг информативлигини баҳолаш ҳамда анъанавий ташхислаш технологияларини такомиллаштириш, шунингдек, простата беzi саратонини эрта ташхислашнинг янги ноинвазив усулларини излаш муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947 сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 20.06.2017 йил 3071-сонли " Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ИТЁ кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг мақсади** простата беzi саратонини эрта ташхислашда замонавий текшириш усулларининг самарадорлигини ошириш имкониятини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

простата беzi саратонини дастлабки босқичларида эрта ташхислашда простат-специфик антиген (ПСА) кўрсаткичларининг ташхисий ўрнини баҳолаш;

простата беzi саратонини эрта ташхислашда компрессион эластографияси билан трансректал ультратовуш текширувининг (ТРУТТ) ташхисий информативлигини баҳолаш;

простата беzi шубҳали жойларда олинган биопсия материаллар гистологик натижалари асосида доплерография ва эластография билан кучайтирилган трансректал ультратовуш текширувини ташхисий самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш;

простата беzi саратонининг дастлабки босқичларини ташхислашда ташхисот усулларининг энг оптимал алгоритмини таклиф қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019-2022 йиллар мобайнида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг онкоурология бўлимида стационар шароитда даволанган 156 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида простата беzi саратонини босқичларини эрта ташхисотини яхшилашда турли хил текшириш усулларини оптималлаштиришда беморларда БРТ, ПСАни абсолют ва ҳажмли текшириш, В тартибида ТРУТТ, рангли доплер тасвирлаш (РДТ), энергетик доплер тасвирлаш (ЭДТ), МРТ ҳамда биопсияни гистологик таҳлили материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда замонавий текшириш усуллар простата беzi саратонини ташхислашдаги имкониятларини баҳолашда бактериоскопик, иммунофермент, биокимёвий, доплерографик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Простата беzi саратонини турли босқичларини эрта ташхислашда қулланиладиган усулларнинг узига хослиги, сезгирлиги ва аниқлиги алоҳида натижалар асосида комплекс ташхислаш тартиби асосланган;

қонда простат специфик антигеннинг концентрацияси 13,6 нг/млдан ортиқ бўлиши простата беzi саратонини дастлабки босқичлари учун жуда муҳимлиги, тактик даволаш тартибини самарасини оширса, 50 нг/млдан юқори бўлиши простата беzi капсуласи ва лимфа тугунларини зарарланиши, инвазив жараён мавжудлигидан далолат бериши исботланган;

илк бора простата беzi саратонини эрта ташхислашда қонда простат специфик антигеннинг 4-10 нг/мл бўлганда ТРУТТ+УТА+ЭГ ташхисий комплекси қўлланишининг ўзига хослиги ва простата беzi саратонини ўчоқларини кулранг шкала тартибида ва доплерография ўтказишда саратон паренхимасида пайдо бўлишига хос бўлган табиатли ўзгаришлардан қиёслаш тартиби исботланган;

простата беzi саратонининг  $T < 2$  босқичида ташхислаш имконини берадиган ананавий нур ташхиси усуллариға қўшимча равишда компрессион эластрографияни қўлланишининг исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эрта саратон ҳолатларини ўрганиш жараёнида қондаги простата спетсифик антигени концентрацияси даражаси, уларнинг қиймати простата беzi саратонининг дастлабки босқичини қиёслашға ёрдам берган;

простата беzi саратонини дастлабки босқичларида қўшимча ташхисот усуллари, уларнинг стандарт текширув усуллариға нисбатан самарадорлиги кўрсатилган;

«ТРУТТ+УТА+ЭГ» ташхисий комплексини ўз ичига олган ташхисот алгоритми жарроҳлик амалиётидан олдинги текширувни стандартлаштириш ва нотўғри клиник ташхислашни олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган



усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, патоморфологик, гистологик, иммуногитокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида замонавий текшириш усулларнинг простата беzi саратонини эрта ташхислашдаги имкониятларини баҳолаш самарадорлигини оширишни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, простата беzi саратонининг дастлабки босқичларини ташхислаш учун ташхисотнинг қўшимча мезонлар киритилган бўлиб, бу нотўғри клиник ташхислаш даражасини камайтиришга ёрдам берган. Простата интраэпителиал неоплазиясини қиёсий текширишда ПСАнинг ташхисий аҳамияти, замонавий эхографик ва нур ташхисоти усуллари (ТРУТТ доплерография билан, ТРУТТ компрессион эластография билан МРТ) тизимлаштирилганлигини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, простата беzi саратонининг дастлабки босқичларини эрта ташхислаш учун нур усулларини кетма-кет ва биргаликда қўлланишининг ишончли маълумотлари, простата беzi саратонининг эрта ташхислашнинг комплекс алгоритм ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йилдаги 15 июндаги сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: простата беzi саратонини эрта ташхислаш ва босқичларини баҳолашда қўлланиладиган усулларнинг ўзига хослиги, сезгирлиги ва аниқлиги алоҳида ҳамда комплекс ташхислаш тартиби Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 25 июлдаги 119-І сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 26 июлдаги 41-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги таклиф этилган ташхислаш простата беzi саратони аксарият ҳолларда кечки босқичларда аниқланиши, эркаклар ҳаёт сифатини сезиларли даражада қисқариши, простата беzi саратонини эрта ташхислашда замонавий текшириш усулларининг қўлланиши текшириш самарадорлигини ошириш, ташхислашда юзага келиши мумкин бўлган хатоликлар сонини камайтириш, беморларнинг меҳнатга лаёқатини сақлаш ҳамда беморлар умр давомийлигини узайтиришга олиб келиши орқали ташхислаш тартиби яхшилانган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйдагилардан иборат: простата беzi саратонини эрта ташхислаш ва босқичларини баҳолашда қўлланиладиган усулларнинг ўзига хослиги, сезгирлиги ва аниқлиги алоҳида ҳамда комплекс ташхислаш

орқали сарф харажатларга 42000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: простата бези саратонини эрта ташхислаш ва босқичларини баҳолашда қўлланиладиган усулларнинг ўзига хослиги, сезгирлиги ва аниқлиги алоҳида ҳамда комплекс ташхислашда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 42000 сўмга иқтисод қилиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: қонда простат специфик антигенининг концентрацияси 13,6 нг/млдан ортиқ бўлиши простата бези саратонини дастлабки босқичлари учун жуда муҳимлиги ҳамда 50 нг/млдан юқори бўлиши инвазив жараён простата бези капсуласи ва лимфа тугунларини зарарлашини исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 25 июлдаги 119-І сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 26 июлдаги 41-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги таклиф этилган ташхислаш тактикаси қонда касалликни ривожланишини дастлабки босқичларида ташхислаш радикал операциялар улушини ошириш ва натижада беморларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва ходимларнинг ёрдамини ишончлигини ошириш ва самарали ташхислаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйдагилардан иборат: қонда простат специфик антигенининг концентрацияси 13,6 нг/млдан ортиқ бўлиши простата бези саратонини дастлабки босқичлари учун жуда муҳимлиги ҳамда 50 нг/млдан юқори бўлиши инвазив жараён простата бези капсуласи ва лимфа тугунларини зарарлашига иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: қонда ПСА концентрацияси 13,6 нг/млдан ортиқ бўлиши простата бези саратонини дастлабки босқичлари учун жуда аниқ эканлиги, 50 нг/млдан юқори бўлиши инвазив жараён простата бези капсуласи ва лимфа тугунларини зарарланиши олдини олиш шифохонада юқори технологияли асбоб ускуналардан фойдаланиш натижасида умумий харажатлар ўртача бир нафар беморга 450 000 сўмгача давлат бюджетидан иқтисод қилиш, такрорий текширишларни тежамкорлиги ҳисобига иқтисод қилинадиган маблағлар 3 карра ошириш орқали юқори технологияли асбоб-ускуналардан фойдаланишдаги тежамкорлик ҳисобига 11000000 сўм бюджет маблағи тежалиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: илк бора простата бези саратонини эрта ташхислашда қонда простат специфик антигенининг 4-10нг/мл бўлганда «ТРУТТ+УТА+ЭГ» ташхисий комплекси қўлланишининг ўзига хослиги ва простата бези саратонини ўчоқларини кулранг шкала тартибда ва доплерография ўтказишда саратон паренхимасида пайдо бўлишига хос бўлган табиатли ўзгаришлардан қийслаш имконини Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт

марказининг Қашқадарё вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 25 июлдаги 119-І сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 26 июлдаги 41-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги таклиф этилган комплекслилик бора простата беши саратонини эрта ташхислашда қонда простат специфик антигенининг 4-10нг/мл бўлганда «ТРУТТ+УТА+ЭГ» ташхисий комплекси қўлланишининг ўзига хослиги ва простата беши саратонини ўчоқларини кулранг шкала тартибида ва доплерография ўтказишда саратон паренхимасида пайдо бўлишига хос бўлган табиатли ўзгаришлардан қиёслаш имконини ёндашувдан фойдаланиш орқали илк бора простата беши саратонини эрта ташхислашда қонда ПСА 4-10нг/мл бўлганда «ТРУТТ+УТА+ЭГ» ташхисий комплекси қўлланишининг ўзига хослиги ва ПБСни ўчоқларини кулранг шкала тартибида ва доплерография ўтказишда саратон паренхимасида пайдо бўлиши мумкин бошқа табиатли ўзгаришлардан қиёслаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйдагилардан иборат: илк бора простата беши саратонини эрта ташхислашда қонда ПСА 4-10нг/мл бўлганда «ТРУТТ+УТА+ЭГ» ташхисий комплекси қўлланишининг ўзига хослиги ва ПБСни ўчоқларини кулранг шкала тартибида ва доплерография ўтказишда саратон паренхимасида пайдо бўлиши мумкин бошқа табиатли ўзгаришлардан қиёслаш беморларни даволаш курсини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали сарф-харажатларни камайтириш ва 170000 сўм иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: илк бора простата беши саратонини эрта ташхислашда қонда ПСА 4-10нг/мл бўлганда «ТРУТТ+УТА+ЭГ» ташхисий комплекси қўлланишининг ўзига хослиги ва ПБСни ўчоқларини кулранг шкала тартибида ва доплерография ўтказишда саратон паренхимасида пайдо бўлиши мумкин бошқа табиатли ўзгаришлардан қиёслаш имконини берган 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир кунга 26520000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: ўсма жараёнининг  $T \leq 2$  босқичини ташхислаш имконини берадиган простата беши саратонини эрта ташхислаш алгоритми Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 25 июлдаги 119-І сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2023 йилнинг 26 июлдаги 41-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги таклиф этилган ташхислаш тартиби простата беши саратони кечки босқичларда самарали ташхислаш, ижтимоий муаммоларга сабаб бўлиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши, ногиронликнинг ортиши, доимий равишда дори таъминоти, ўзгаларни парваришига муҳтожлик ва умр давомийлигининг кескин қисқаришига олиб келиши кўрсатиб ўтилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:

Простата беши саратонини Т1 ва Т2 босқичларда аниқлаш пациентларнинг шифохонада бўлиш муддатини ўртача 1,5 кунга қисқартириш натижасида йилига ўртача 28146000 сўм бюджет маблағлари тежаш, қайта мурожаатлар сонини 22,1% га камайтириш ҳисобига умр кўриш давомийлигини узайтириштириш имконини берган. Хулоса: Простата беши саратонини Т1 ва Т2 босқичларини баҳолашда шифохонада бўлиш муддатини ўртача 1,5 кунга қисқартириш ва йилига ўртача 28146000 сўм бюджет маблағлари тежаш имконини берган. Д.А.Худайбердиеванинг замонавий текшириш усулларнинг простата беши саратонини эрта ташхислашдаги имкониятларини баҳолаш самарадорлигини оширишни такомиллаштириш мавзусидаги диссертацион тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йилдаги 15 июндаги 01-4/255-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган


Диссертациянинг «Простата беши саратонини эрта ташхисотнинг замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси баён қилинган. Илмий адабиётларнинг замонавий шарҳда ПБСни тарқалиши, этиологияси ва патогенези, замонавий ташхисот усулларининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан турли хил замонавий ташхисот усулларини қўлланишининг

ижобий ва салбий томонлари, ўзига хос хусусиятлари ва қўлланишга кўрсатмалар таҳлил қилинган ҳамда муаммонинг ечимини топишда муаллифлик ёндошуви танланган.

Диссертациянинг «Простата беzi саратонини эрта ташхисотнинг баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида клиник материал тасвирланган бўлиб, 2019-2021 йиллар мобайнида РИО ва РИАТМ шифохонасида онкоурология бўлимида стационар шароитда даволанган 156 нафар эркак текширувига жалб қилинган. Асосий гуруҳга 43 ёшдан 78 ёшгача бўлган 120 нафар эркак (76,8%)лар олинган бўлиб, уларнинг ўртача ёши  $56,5 \pm 3,85$  ташкил қилнган. Назорат гуруҳига 41 ёшдан 76 ёшгача бўлган 36 нафар эркак (23,1%)лар киритилган ва уларнинг ўртача ёши  $56,5 \pm 3,85$ ни ташкил қилган. Текширилган асосий гуруҳ беморларининг аксарияти ўрта ёшдаги – 40 (33,33%) нафар ва кекса ёшдагилар – 54 (45,0%) нафар пациентларни ташкил этди.

Йўналанмасида простата беzi саратони (ПБС) ташхиси бўлган барча беморларга махсус текширувдан олдин простата беzi БРТси ўтказилган ва сийдик йўллари ҳамда простата безининг ҳар қандай юқумли патологияси бактериоскопия ва ИФА ёрдамида истисно қилинган. Дастлабки текширувда салбий натижалари олинганда, биз ПБни комплекс - умумий ва эркин ПСА фракцияси ва уларнинг нисбатларини аниқлаш, ТРУТТ (доплерографик ва компрессион-эластографик кучайиш билан), мақсадли биопсия жараёни гистологик аниқлаш билан, ҳамда кичик чаноқ аъзолари МРТсини ўргандик.

ПБС тасдиқланган беморлар Т мезонини ҳисобга олган ҳолда TNM таснифи бўйича гуруҳларга бўлинган: I гуруҳ (T1) – визуал ва клиник жиҳатдан аниқланган ўсма; II гуруҳ (T2) – ПБ билан чегараланган ўсма; III гуруҳ (T3) – простата капсуласидан ташқарига чиққан ўсма; IV гуруҳ (T4) – бошқа кичик чаноқ аъзоларига тарқалган ўсмалардан иборат.



**1-расм. Простата беzi саратонини ташхисланган беморларни Т мезонига кўра TNM таснифи бўйича тақсимланиш дараджасининг натижалари**

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш вариацион статистика усули билан «Microsoft Office 2019» компьютер пакет дастурларининг «Microsoft Excel» дастури ёрдамида ўртача квадратик оғиш ва ўртача қийматнинг стандарт арифметик хатосини моментлар усули билан ( $M \pm m$ ), ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ) ни ҳисоблаш билан амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда беморларни текшириш натижалари келтирилган. Текширилганларнинг аксариятида турли хил СББ ларнинг биргаликда келишни ҳисобга олган ҳолда, СББларнинг йиғиндиси беморлар сонидан юқори бўиб, СББ якқоли-странгурия– 95 (79,17%) нафар, ноктурия – у 77 (64,17%) нафар ва сийишнинг қийинлашуви– 68(56,67%) нафар беморда кузатилди.

Биз асосий гуруҳдаги беморларда ноктурия ва сийдик оқимининг сустиги беморнинг ёшига қараб сезиларли ( $p \leq 0,05$ ) статистик ишончли бўлиб, странгурия, кундузги поллакиурия ва сийиш қийинлашуви ёшга боғлиқ бўлмасида, ирритатив белгилар 55 ёшгача, обструктив белгилар 61 ёшдан кейин устунлик қилди.

Барча текширилганлар БРТ ўтказилди, 68 (56,67%) текширилганларда ПБ пальпатор ўзгаришлар ташхисланди ва ПБР гумон қилинди: простата беги ассиметрияси ва простата соҳаси зичлигининг ортиши асосида, бунда ПБ катталашуви – 58 (48,33%), қисмлараро жўякнинг силлиқлиги -49 (40,83%), қисмларнинг ассиметрияси – 37 (30,83%), тугунли ҳосилалар – 27 (22,50%), пальпатор зичлиги эса қаттиқ- эластик - 38 (31,67%), қаттиқ -34 (28,33%), эластик - 29 (24,17%) ва «тоғайсимон» – 19 (15,83%) эркаларда кузатилди.

БРТ давомида аниқланган патологик бузилишлар йўналланмасида ПБС ташхиси бўлган беморларда кўпроқ ишончли бўлди ( $\chi^2=20,8$   $p < 0,001$ ), ПБС+ПБХГ ( $\chi^2=18,4$   $p < 0,001$ ).

Шуни таъкидлаш лозимки, морфологик ПБС тасдиқланган 52 (43,34%) нафар беморда БРТ пальпатор ўзгаришлар аниқланмади.

Назорат гуруҳида 2 (5,56%) нафар беморда ўзгаришлар қайд этилган, ammo бошқа тадқиқотлар томонидан ПБ ҳеч қандай ўзгаришлар қайд этилмаган, бу инсон омилининг ушбу тадқиқот усуллари натижаларига таъсири ишончлидир. БРТ ўзига хослиги 0,89 (89%), сезгирлиги 0,51 (51%) ва аниқлиги 0,68 (68%) ташкил этди, бу ўз ўринда мажбурий равишда қўшимча текширув усулларини ўтказиш лозимлигини назарда тутди.

Шундай қилиб, БРТ ПБни субъектив текшириш усули ҳисобланиб, ушбу текширишни ўтказадиган даволовчи шифокорни тажрибасига тўлиқ боғлиқ бўлиб ва бу беморни кейинги текшириш учун бошланғич нуқта бўлиши мумкин.

Асосий ва НГнинг барча беморларида зардобдаги ПСА концентрацияси аниқланган: асосий гуруҳнинг 109 (90,83%) нафар вакилида умумий ПСА 4 нг/мл ёки ундан ортиқ бўлган. Ёшга хос дискриминацион даражаларга кўра, ПСА концентрациясининг ортиши асосий гуруҳнинг 104 (86,67%) нафарида қайд этилган. 16(13,33%) нафар беморда ёшга хос дискриминацион даражаларга кўра, ПБС ПСАнинг меъёр концентрацияси кузтилганда

ташхисланган ҳамда 11 (9,17%) нафарида ПСА 4 нг/млдан кам бўлган. ПСА даражаси 15 нг/млдан кам бўлганда чегаралаган жараён билан боғлиқлиги кузатилган. Бироқ, бу кўрсаткичнинг 15 нг/млдан ортиши, адабиёт маълумотларига кўра, ўсманинг маҳаллий ва/ёки соҳавий тарқалишига гумон қилинган.

Ҳар бешинчи бемор (асосий гуруҳ) «кулранг соҳада» бўлган, бунда асосан ПСА 30 нг/мл дан юқори бўлган беморлар устунлик қилган, ПСА даражаси ортганда ПБС кузатилишини исботлайди, аммо бу сезгирлик билан боғлиқ мунозарали саволни қолдиради, чунки беморларнинг 9,17% ПСАнинг меъерий даражаси аниқланган. АГдаги иккала параметр НГ кўрсаткичларидан сезиларли ортган ( $p=0,007$  ва  $p=0,008$  мос равишда).

Биз ПБСда бошқа тадқиқотларнинг меъерий натижалари билан ПБС учун жуда хос бўлган ПСА концентрациясини ҳисоблаб чиқдик ва у 13,6 нг/млдан ортиқни ташкил этди, лекин ПСА 4 нг/млдан паст бўлиши ПБС истисно қилмади. Биз томондан ПБСни ташхислаш учун ПСА текширувининг спецификлиги, сезгирлиги ва аниқлигини аниқлаш амалга оширилди. ПСА концентрацияси  $> 4$  нг/млда сезгирлик даражаси 0,92 (92%), ва аниқлик ва спецификлиги 0,59 (59%) ва 0,35 (35%) мос равишда, ПСА концентрацияси даражаси  $>10$  нг/мл бўлганда– 0,69 (69%), 0,96 (96%) ва 0,76 (76%) ҳолатда мос равишда бўлди.

Шундай қилиб, қондаги ПСА концентрацияси 60 ёшгача бўлган ПБСни скринингининг жуда самарали белгисидир, қондаги ПСА концентрацияси 4–10 нг/мл оралиғида бўлса, ПСА концентрацияси 13,6 нг/мл дан юқори бўлиши ПБС учун юқори спецификдир, бироқ, ПСА концентрацияси 4 нг/млдан кам бўлиши ПБС эҳтимолини истисно қилмайди, бу эркакларни янада кенг қамровли текширишни назарда тутати.

Кул ранг шкала тартибида ПБС II–IV босқичидаги кўпчилик беморларда (104 нафар бемордан 94 таси (90,38%) гипоезоген ҳосила шаклида намоён бўлди. Аммо, ПБС учун гипоезогенлик абсолют специфик бўлмади, чунки қолган 10 нафар беморда (9,62%) простата беги периферик қисмидаги ҳосила шаклланишлар гистологик жиҳатдан хавфсиз деб тасдиқланган ва ПБС фақат жарроҳликдан кейинги даврда гистологик текширувда ташхисланган.

Йўлламасида ПБХГ ташхиси бўлган ва ПБСга гумон қилинган ҳамда ПБХГ муносабати билан жарроҳлик амалиёти ўтказилган (10–ТУР (трансуретрал резекция) ва 6–ҚОА (ковуқ орқали аденомэктомия)) 16 нафар беморда ПБСининг Т1 босқичи (II гуруҳ) аниқланган. Шунини тушуниш керакки, ушбу гуруҳнинг ҳар бир беморида олиб ташланган ПБнинг бир ёки иккита бўлагида хавфли ўсма ҳолати гистологик жиҳатдан тасдиқланган 41 (83,67%) нафар беморда ПБ паренхимасида гипоезоген фокусли ПБСининг Т2 босқичи (II гуруҳ) ва 8 (16,33%) нафар эркакда эхографик оғиш йўқлиги, III гуруҳда ПБ паренхимасининг турли хил эхографик чегараланган ва диффуз ўзгаришлар ташхисланган.

ПБСининг Т3 босқичи бўлган III гуруҳ беморларида ПБ капсуласига ўсманинг ўсиб киришини аниқлаш қийин. Шунинг учун ПБСининг Т3 босқичини экстракапсуляр ўсманинг тарқалиш белгилари асосида фақат

простата беги чегараларининг ассиметрик деформацияси ва унинг хажмининг ортиши билан тасдиқланган, бу фақат ПБСининг Т3 босқичи бўлган 12 (37,50%) нафар беморда қайд этилган.

ПБСининг Т4 босқичида (IV гуруҳ) ПБ хажмининг ортиши, кўпинча эхогенлик пасайиши кузатилган. Фақат 4 нафар беморда (17,39%) ПБСини ПБ паренхимасига кучли дифференциация зўравонлиги туфайли атрофдаги тўқималар орасида уни фарқлаш энг қийин ва амалда имконсиз эди, чунки ПБининг аниқ чегаралари йўқ эди.

Қовуқ девори (К) ва уруғ пуфакчалари соҳасида ПБС фарқлаш мураккаб масала бўлди. Тарқалган ПБС бўлган 8 (34,78%) нафар бемордан 4 нафари уруғ пуфакчаларининг кенгайиши аниқланган, ассиметрия фақат 2 ҳолатда қайд этилган, қолган 4 эркада уруғ пуфакчаларининг камайиши ва деформацияси аниқланган. 2 нафар беморда уруғ пуфакчаларининг пастки кирраларида, простата безидан келиб чиққан, қўшимча эхоген массани аниқлаш мумкин бўлди.

Қовуқ бўйинчаси девори соҳаси қалинлашуви ПБСининг Т4 босқичидаги (IV гуруҳ) барча 23 (100%) нафар беморларида кузатилди. Биз бу қалинлашувни ПБСининг Т2 босқичидаги 14 нафар беморда (28,57%), шунингдек, барча ўрганилган беморларнинг 49 (40,83%) нафар беморида қайд этдик. ТРУТТ фақат простата беги катта хажмида ички девордаги тартибсиз шаклдаги қўшимча тўқима 3 нафар беморда аниқлаган. ПБСни қовуққа ўсадиган ўсма ва қовуқдан ПБига ўртасида мажбурий қиёсий ташхисотни назарда тутди. ПБСда ПБнинг ўртача хажми  $67,58 \pm 3,45$  см<sup>3</sup>га тенгдир.

ТРУТТнинг ультратовуш ангиографияси (УТА) билан биргаликда ўтазишда биз ПБСда неоваскуляризация белгиларини аниқладик: ангиогенез соҳаси тузилиши бузилиши (турли калиберлийлиги, томирларнинг тасодифийлиги, узилиши ва ҳалқа шаклда ўралиши) – 47,50%; соҳа томир дарахтининг диспропорцияси- 38,33% даражаси ортиши билан маҳаллий васкуляризациянинг ассиметрияси-14,17%ни ташкил қилди.

ПБСининг эхографик хусусиятларининг классикаси битта гипоехоген жойнинг мавжудлиги фақат 20,0% (24 нафар бемор)да, 26,67% (32 нафар бемор)да ПБ периферик ва бошқа соҳаларида ҳам бир нечта аниқ контурсиз зарарлаш ўчоқлари топилган. 2(1,67%) нафар пациентда ПБСининг эхоген шакллари аниқланди: ўсма ўчоқлари турли хил гипоехоген қўшимча ва майда петрификатлар билан изоҳланган.

### 1-жадвал

#### Простата беги саратонини ташхислаш усуллари, (%)

Параметрлар	Ташхисий усул			
	БРТ	ПСА>4 нг/мл	ТРУТТ	ПСА>4нг/мл + БРТ+ТРУТТ
Ўзига хослиги	89	35	85	83,9
Аниқлик	68	59	77	78,4



Сезгирлик	51	92	89	94,2
-----------	----	----	----	------

ПБ ҳажмининг тахминан 75% периферик соҳаларига тегишли бўлиб, унда ПБС ҳолатларининг 80% ривожланган. Кўпинча ўсма без чегарасидан 3-4 мм масофада юзага келади. ПБ ҳажмининг 20% марказий соҳага тегишли, ПБСининг 5% шу соҳада пайдо бўлган. Кўрсаткичларнинг турли хиллигини ҳисобга олиб, биз БРТ, ПСА>4 нг/мл ва ТРУТТнинг комплекс қўлланилгандаги маълумотларни таҳлил қилдик.

Шундай қилиб, комплекс ташхисот ёндашуви билан юқори сезувчанлик (94,2%) ўзига хосликни (83,9%) ва аниқликни (78,4%) сезиларли даражада оширади, бу беморларни ПБ биопсиясига аниқроқ юбориш имконини беради ва салбий жавоблар даражасини камайтиради.

Бизнинг беморларда тасвирлашнинг 1 тури -16 (13,33%), 2 тури - 14 (11,67%), 3 тури - 29 (24,17%), 4 тури - 3, 61 (50,83%)да аниқланган. Статистик таҳлил ПБСда тасвирлашнинг 4 тури учун учраши фарқларнинг ишончлилигини намоиш этди( $p<0,002$ ). ПБСда тасвирлашнинг бошқа уч турининг учрашида улар орасида фарқларнинг ишончлилиги йўқ ва бу кулранг шкала режимида ТРУТТ ва ультратовуш ангиографияси (УТА) билан ПБ эластографиясини натижасининг биргаликдаги таҳлил қилишни назарда тутди.

## 2-жадвал

### ТРУТТ турли усулларининг қиёсий информативлиги, (%)

Усуллар	Сезувчанлик	Ўзигахослиги	Аниқлик	ИБТ	СБТ
Кулранг шкала (ТРУТТ)	89%	85%	77%	75,83	81,67
ЭГ	82,51	82,51	86,68	82,36	89,18
УТА	91%	88%	91%	80,51	78,34

Изоҳ: СБТ – салбий башорат тести, ИБТ – ижобий башорат тести

Статистик маълумотларга кўра, ЭГнинг сезгирлиги «кулранг шкала» ва УТА га нисбатан анча юқори бўлган ( $p<0,0005$  ва  $p<0,02$  мос равишда), СБТ УАТ ушбу параметрига нисбатан анча катта бўлган ( $p<0,05$ ). ЭГнинг ўзига хослиги кулранг шкала режимининг ўзига хослигидан ишончли даражада кам( $p<0,002$ ), бу ПБнинг комплекс ультратовуш текшируви, шу жумладан ЭГ, УАТ ва ТРУТТда кулранг шкала зарурлигини тасдиқлайди.

ЭГ гипоезогенликнинг этиопатогенезини тўғри талқин қилиш ва бу қўшимча тадқиқотлар–ЭГ ва УТА ёрдамида ТРУТТ имкониятларини кенгайтириш орқали ТРУТТнинг ўзига хослигини 11,5% га оширади.

ПБ ҳажми 40 см<sup>3</sup> дан кам ва 80 см<sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда ахборот таркибини таҳлил қилиш натижаси комплекс текширувнинг ўзига хослиги 70,85%, 71,85% ва 80,05%, аниқлиги 75,88%, 89,26% ва 81,22% ташкил қилди ( $p<0,02$ ). ПБ ҳажми 80 см<sup>3</sup> дан ортиқ бўлганда кулранг шкаланинг аниқлиги

ва ўзига хослиги статистик жиҳатдан ЭГга қараганда ишончли юқори-82,92% ва 90,0% мос равишда бўлди( $p < 0,05$ ).

Бизнинг тадқиқотимиз натижаларига кўра, ПБЭГ ўтказиш бир неча чекловларга эга: ПБ ҳажми 80 см<sup>3</sup> дан катта бўлиши тадқиқотнинг аниқлигини 71,25% гача камайтира ва кулранг шкала тартибига ютқзади, ПБнинг марказий қисмидаги саратон ЭГ ёмон ташхисланади-аниқлик атиги 59,17%га тенг. ТРУТТ ЭГ билан комплекси натижаларида ташхислаш самарадорлиги 88,33%га тенг бўлди, сохта салбий жавоблар сони 30,0% га, сохта ижобий жавоблар – 37,1% га камайди.

### 3-жадвал

#### ТРУТТ турли комплекларининг қиёсий информативлиги, (%)

Усуллар	Сезувчанлик	Ўзигахослиги	Аниқлик	ИБТ	СБТ
Кул ранг шкала +УТА	71,67	75,85	77,50	78,35	73,35
Кул ранг шкала + ЭГ +УТА	96,41	92,36	89,51	82,51	77,6

Изоҳ: СБТ – салбий башорат тести, ИБТ – ижобий башорат тести

ТРУТТ комплекси (кулранг шкала + УТА ва кулранг шкала +ЭГ +УТА) сезгирликни ошириш билан тестнинг салбийлигини- 5,94% ва 8,66% га мос равишда башорат қилади, тестнинг ижобийлигини - 14,14% ( $p < 0,02$ ), спецификлигини- 12,84% ( $p < 0,01$ ), аниқлигини -11,53% башорат қилади.

ПСА концентрациясининг ўртача (4-10нг/мл) ортиши кузатилган ва БРТ салбий натижалар билан барча беморларда ЭГ ўтказилиши керак, чунки бу ПБС ўчоқларининг бошқа, кул ранг шкала режимида ва УТАга ўхшаш, табиатдаги қалинлашувлардан фарқлаш имконини беради.

ПБСни ташхислаш, айниқса эрта босқичда, бир нечта ташхисот усулларида фойдаланишни ўз ичига олади, чунки ҳаммаси ҳам кенг камровли самарадорликка эга эмас, ПСА >4 нг/мл бўлганда БРТ ва ТРУТТ натижаларини биргаликда таҳлил қилиш яхши натижалар беради.

ТРУТТ назорати остида ПБ биопсиясининг (мультифокал трансректал) сезгирлиги- 86,1%, аниқлиги – 99,4% ва ўзига хослиги – 98,3% бўлди.

Гистологик текширувни амалга оширадиган мутахассисга ушбу беморларнинг микропрепаратларида простата интраэпителиал неоплазияси (PIN) мавжудлигини аниқлаш вазифаси қўйилди. PIN безлари бўшлиғидаги секретор эпителий пролиферацияси билан намоён бўлди, бу деярли карциномадан фарқ қилмади.

Юқори даражадаги PIN кўпинча инвазив аденокарцинома яқинида, айниқса, простата безининг периферик соҳасида жойлашади. PIN 3 ўртача учраши – 35,84%, минимал Т1 гуруҳда – 31,27% ва максимал Т4 да – 39,14%ни ташкил этди. Шу билан бирга, 88,37% 58-63 ёшдаги беморларга тўғри келган.

ТРУТТ да МРТ гипоинтенсив соҳалари ПБСдаги каби гипоэхоген соҳаларга мос келган ва қобиғи ноаниқ бўлган ҳамда уруғ пуфакчалари ўлчамларга ўзгарган, простата беши ва сийдик қоши чегаралари ноаниқ. Бу

ҳолатларда МРТ простата беzi гипоинтенсив соҳалари простата беzi қобиғидан ташқарига дорсолатерал катталашган, битта уруғ пуфакчанинг гипоинтенсивлиги ва катталашгани унинг малигнизацияси белгиси бўлди, чунки нормадаги уруғ пуфакчалари турли ўлчамли бўлиши мумкин, лекин МР-сигнал интензивлигининг бир хил бўлиши хосдир.

16 нафар беморда (13,33%) ПБСнинг парапростатик тўқималарга тарқалиши аниқланди, бу гипоинтенсив ўчоқнинг ноаниқ чегаралари билан намоён бўлди. ПБС қовук деворини зарарлаганда аниқликнинг пасайиши, гиперинтензив ўчоқ билан деворларнинг узук-узук ва нотекис контурлари пайдо бўлиши ташхисланди.

Уларда чаноқ лимфа тугунларининг метастатик зарарланиши ҳам аниқланган бўлиб, 1,5 см гача катталашган ва Т1 гипоинтенсивликда чаноқ ёғ тўқималари ва умуртқа танасиларнинг гиперинтенсивлиги билан баҳоланган.

Контрастли (парамагнитик) дориларни қўллаш ПБС учун МРТнинг ташхисий имкониятларини оширмади. Т2 тасвирлар баъзи ҳолларда ҳатто Т1 режимидаги контрастли тасвирлардан ҳам устун бўлди, бу безнинг ҳолатини аниқроқ ва энг муҳими ишончли баҳолади. ТРУТТ афзалликларига эга (нурланишсиз ва кўп текисликли тасвирлаш) МРТ ПБС ни ташхислашда ТРУТТ билан бир хил аҳамиятга эга бўлди.

